ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2025/ № 4,1

Termiz – 2025

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 19-oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.10.2025
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV,
iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Murodqosim Abdiyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Baxtiyor Xolmuxamedov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Qurbonazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Shoira Omonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sherzod Turdiqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Alibek Omonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Humayun Nadim Muhammad, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.10.2025
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)
Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)
Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)
Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)
Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)
Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)
Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мурадкасим Абдиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нормат Юлдашев, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Бахтиёр Холмухамедов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Бобоназар Муртазаев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)
Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)
Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Шаира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Шерзад Турдикулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Алибек Омонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хумаюн Надим Мухаммад, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.10.2025
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muradkasim Abdiyev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, doct. of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Kholmukhamedov, doct. of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Shoira Omonturdiyeva, PhD (Uzbekistan)
Sherzod Turdikulov, PhD (Uzbekistan)
Alibek Omonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Humayun Nadim Muhammad, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

DARVISHOV IBROHIM
Shevalardagi ayrim fonetik-fonologik belgilar
(Janubi-g‘arbiy Namangan qipchoq shevalari misolida) 7

ПАНЖИЕВА НАСИБА НАРМАХМАТОВНА
Теория концептуальной интеграции как инструмент анализа стилистических приёмов 10

QO‘ZIYEV UMIDJON YANDASHALIYEVICH,
QO‘CHQORALIYEVA FOTIMA ZOKIRJON QIZI
Til kontakti va so‘z o‘zlashuvi muammolari 13

BEGMATOVA GULCHEHRA
«Qush» semantik komponentli idiomalar tadqiqiga doir kuzatishlar 16

QAZAQOVA NOZIMA ABDULBOQIYEVNA,
HAMRAYEVA YORQINOY NABIJANOVNA
Matn kommunikativ-pragmatik tahlilining asosiy tamoyillari 19

SHAMSUDINOVA IKHBOL
Yordamchi so‘zlar bazasini yaratishda reprezentativlikning ahamiyati 23

BABAXANOVA DILAROM AXMATXANOVNA
Nutqda paremiyalarga xos milliy-madaniy konseptlarning ifodalanishi 27

ПАНЖИЕВ НОРМАХМАТ
Теоретические аспекты соотношения фрейма и концепта 31

KULTAYEVA FAZILAT
Hududiy ergonimlarning leksik-semantik tabiati 34

RAXMANOV BOTIR ABDURASULOVICH
Surxondaryo dialektal- etnografik leksikasida turli din va madaniyat belgilari 38

QODIROVA MUKADDAS TOG‘AYEVNA
Biznes diskursini sinergetik yondashuvda o‘rganish masalasi 41

RAHIMOVA ZEBINISO SHOMANSUR QIZI
Jargonlar haqida ba’zi mulohazalar 45

ЗАРИПОВА МАТЛУБА КУЛФИДИНОВНА
Тенденции негативной оценки в узбекских и русских пословицах 48

TURDALIYEV OLIMJON FAYZULLAJON O‘G‘LI
Ogahiy tarjimasidagi «Guliston» asarida qo‘shma fe’llarning berilishi 52

FARMONOVA UMIDA MAXSUTALIYEVNA
«Qisasi Rabg‘uziy» asarida qo‘llangan frazemalarning lingvostatistik
tahlili va keyingi davr tiliga munosabati 55

XASANOVA KAMILA BAXTIYOROVNA
Etnografik leksika va stereotiplar 58

DARVISHALIYEVA MAHLIYO RUSTAMALI QIZI
Mahmud Koshg‘ariy davri turkiy til va hozirgi Namangan
qipchoq shevalari fonetik xususiyatlari 61

USMONALIYEV SHAHBOZ
O‘zbek tilshunosligida teonimlarning tadqiqi: muammolar va yechimlar 64

MAMIROVA XAYRINISO KOMILJON QIZI
Birinchi tilni o‘zlashtirishga oid nazariyalar 66

XOLMURODOVA SUMBULA NORMO‘MIN QIZI
Tog‘ay Murod asarlari asosida mualliflik korpusini yaratish asoslari va bosqichlari 70

IBRAGIMOV YULDASH MATKARIMOVICH
Qoraqalpog‘iston o‘zbek shevalari leksikasi tadqiqi masalasi 72

BOZOROV HAMID XO‘SHMURODOVICH
Folklorda til va madaniyat aloqadorligi (o‘zbek xalq ertaklari misolida) 75

МУНДАРИЖА

АМОНТУРДИЕВА ШОИРА РАВШАНОВНА
Диний услуб фразеологияси 80

OZOTBOYEVA MAXFUZA RAVSHAN QIZI
Komil Avazning “Qo‘nalg‘a” asarida dialektal diskursiv shaxsning lingvopragmatik talqini 86

MUHSINJONOVA SHIRINOY ASLIDDIN QIZI
“Devonu lug‘otit-turk” oziq-ovqat nomlarini qiyosiy o‘rganish uchun asos sifatida..... 90

KO‘CHIMOVA SHAHLO NURIDDIN QIZI
Yuridik matnlarning ekstralingvistik omillari va ularning mazmun shakllanishidagi o‘rni..... 93

ADABIYOTSHUNOSLIK

РЎЗИҚУЛ МУСТАФОҚУЛОВ, НАФОСАТ САЙФИДДИНОВА
Икки дарё оқиб ўтди..... 97

SHUKUROV AHAD
Satrlarga sig‘mas so‘zlarim… 103

АМАНЖОЛОВА ДЖЕММА БОЛАТОВНА,
ШАЙМЕРДЕНОВА НУРСУЛУ ЖАМАЛБЕКОВНА
От устной традиции к цифровому архиву: сохранение и популяризация
тюркского эпоса в XXI веке… 105

KARIMOV OBIDJON
Alisher Navoiy irfoniy olamining yangicha talqini..... 109

КАДИРОВА ОЛИЯ ХАМЕДОВНА
Литература как пространство идентичности: диалог русской и узбекской
малой прозы в постсоветскую эпоху… 112

ПУЛАТОВА САЙЁРА ЮЛДАШОВНА
Проблемы и достижения в переводе «Улисса» на узбекский язык…..... 115

UMAROV BOBOQAND IKROMOVICH,
Xurshid Davron she’riyatida ijtimoiy iztirob va ruhiy yolg‘izlik..... 119

KARJAVUV G‘OLIB AZAMAT O‘G‘LI
Muhammad Sharif Gulxaniyning masalchilikdagi badiiy mahorati… 122

UMARALIYAVA NAFISA QURBONALI QIZI
Zamon va shaxs ruhiyatining obrazlar orqali akslanishi…..... 126

BERDIBOYEV ULUG‘BEK SOATBOY O‘G‘LI
Tipologik talqin: adabiy tafakkur, poetik idrok, matn stlistikasi munosabati… 129

DUYSENBAYEV OLIMJON ISMAILOVICH
Romanda syujet va xarakter dinamikasi… 131

FERUZA SULTONQULOVA
Usmon Azim she’riyatida Boysun yetakchi motiv sifatida… 134

KIRGIZOVA GULNOZA MAMADALIYEVNA
Iqbol Mirzo she’riyatida fikr va tuyg‘u uyg‘unligi… 137

QAHHAROVA DILAFRO‘Z ABDUG‘AFFOROVNA
Zamonaviy o‘zbek qissachiligi: xalq an’analari va yangi badiiy shakllar… 140

MAMATQULOV BOTIR
Nazar Eshonqul hikoyalarida shaxs fojiasi talqini..... 143

ABDUNAZAROV O‘TKIR
Bolalar adabiyotida ijodiy izlanishlar (Nosir Fozilov asarlari misolida) 149

TA’LIM

NODIRA JALOLOVA
Kommunikatsion menejment tushunchasi va uning funksiyalari 155

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2025; 10
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ДИНИЙ УСЛУБ ФРАЗЕОЛОГИЯСИ

Амонтурдиева Шоира Равшановна
Термиз давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти
*Филология фанлари бўйича фалсафа (**PhD**) **доктори***

Тилнинг фразеологик фондининг маълум қисмини диний тушунчалар билан боғлиқ элементлар ҳам ташкил этади. Улар тилимизга тайёр ҳолда кириб келган эмас, балки миллий лингвокултурологик маҳсулот сифатида кейин пайдо бўлган. Арабча-форсча ҳамда туркийча диний ономастик лексика бундай турдаги теофразеологик бирликларнинг вужудга келишига асос бўлган. Бундай кўринишдаги диний фразеологик бирликлар семантикаси Аллоҳ ва унинг қудрати, инсонни яхшилик ва исломий эътиқодга даъват қилувчи ниятлар ва дуолар билан боғлиқ тарзда ранг-барангдир.

Таъкидлаш керакки, теофразеологизмлар миллий тафаккур имкониятларининг кенглигини, диний эътиқоднинг мустаҳкамлик даражасини кўрсатиш баробарида, халқларнинг ментал хусусиятларни ўзида акс эттириб, ўзбек тилининг тасвирий имкониятлари нақадар катта эканлигини ҳам намойиш этади.

Ҳозирги замонда фразеологизмларни лингвокулътралогияда ўрганиш долзарб ва мунозарали масалалардан ҳисобланади. Фразеолизмларнинг миллий – маданий хусусиятларини аниқлаш, фарқ қилувчи, ўхшаш жиҳатларини аниқ ва обьектив ёритиш мақсадида биринчи навбатда уларнинг келиб чиқиш тарихи, манбалари, яъни этимологиясини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Бундай фраземаларнинг бошқа фраземалардан фарқли ўзига хослигини, алоҳида таъкидлаш лозим. Биринчидан, аксарият диний фраземалар араб, форс тилларидан ўзлашган лексик бирликлар асосида юзага келган бўлиб, ҳозирги замон ўзбек тили фразеологик захирасида тўлақонли бирлик сифатида ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқ жараёнида қўлланиб келинади. Масалан, соҳиби каромат – каромат эгаси ; фарзи айн – ҳар ким ўзи адо етиши керак бўлган амаллар (намоз, рўза, закот); фарзи кифоя – мукаллафлар жамоасидан қандайдир ададди маълум амални бажариб қўйса, бошқалари соқит бўлади, масалан, жаноза намози ; номаи аъмол – шайтони лаин; фахри коинот[1]. Бу ерда оддий лексик маъно ҳақида гап кетмайди, балки уларнинг бирга кўчирилган ва яратган фразеологик маънолар ҳақида гап боради.

Диний тушунчалар, халқнинг дунёқараши орқали юзага келган фраземаларни оғзаки, ёзма нутқда қўлланишига кўра икки гуруҳга ажратиш лозим. Биринчи гуруҳга диний тушунчалар асосида умумхалқ тилида, оғзаки нутқда барча томонидан қўлланиб келинадиган иборалар. Масалан, қиёмат қарз; шукр қилмоқ; даргоҳида қабул қилсин; шак келтирмоқ; шаккоклик қилмоқ; хўжа кўрсинга; оқ фотиҳа; қўлини ҳалолламоқ; хатна қилдирмоқ; жонини жабборга бериб ишламоқ; жаҳаннамга равона қилмоқ; Хизрни йўқласа ҳам бўларкан; фотиҳа ўқимоқ; қаъда қаримас; тўрт тарафинг қибла; Луқмони ҳаким; луқмайи ҳалол. Бу каби турғун сўз бирикмаларининг келиб чиқиши - этимологияси ва улар ифодалаётган туйғу-тушунчалар шу қадар ранг-барангки, бизнинг фикримизча, уларнинг лисоний хусусиятлари, миллий-маданий аҳамияти келгусида алоҳида илмий тадқиқот обьекти бўлиши мумкин.

Ушбу ўринда, қўлланилиши ДМлардан узоқлашган айрим диний фразеологик бирликларнинг хусусиятлари тўғрисида ҳам гапириб ўтиш жоиз. Шу пайтга қадар алифни калтак демоқ; тарки дунё қилмоқ; пирга қўл бермоқ; эти сизники, суяги бизники; мадраса тупроғини ялаган; ҳўкизнинг қулоғига қўбиз чертмоқ; эшакка ёсин ўқимоқ сингари диний сўз ва ибораларнинг кўпчилиги тилимиз луғат фонидан эскирган сўзлар сифатида ўрин олган эди[2]. Аммо мустақиллик туфайли уларнинг айримлари яна фаол нутқга қайтди.

Шунга қарамасдан, ДМларга хосланган сўзларнинг қўлланиш имконияти тилимизда чекланган. Масалан, ўлмоқ маъносини англатадиган фразеологик эвфемизмлар орасида фақат адам

[1] Muxtorxon Eshon Umarxo'ja. Diniy atamalar va iboralar. Qisqacha ommabop izohli lug'at. – T.: G'afur G'ulom nashriyoti, 2016. – B.146-164.

[2] Bozorboev K. O'zbek so'zlashuv nutqi frazeologizmlari: Filol. fan. nomz. ..dis. avtoref. – Samarqand. 2000. – B.7.

диёрига жўнамоқ, адам ёстуғига бош қўймоқ, асфаласофилинга кетмоқ, бандачилик қилмоқ, бандаликни бажо келтирмоқ, дорул фанодин дорул бақога рихлат қилмоқ, доҳили раҳмат бўлмоқ, дунёи фонийдин дунёи бақоға рихлат қилмоқ, жаннати бўлмоқ, марҳум бўлмоқ, мусулмончилик қилмоқ, Аллоҳга керак бўлмоқ, Аллоҳга топширмоқ, Аллоҳнинг ҳузурига жўнамоқ, Парвардигорга керак бўлмоқ, Парвардигорга қўшилмоқ, Парвардигор қошига кетмоқ, раҳмати Парвардигорга уланмоқ, раҳматлик бўлмоқ, риҳлат қилмоқ, руҳи жаннатга кетмоқ, Тангри даргоҳига кўчмоқ, Тангри раҳматига бормоқ, фоний дунёдан кетмоқ, Худонинг даргоҳига бормоқ, Худо олмоқ, Худо раҳмат қилмоқ, чин дунёга равона бўлмоқ, шаҳид бўлмоқ, шаҳид кетмоқ, егасига топширмоқ, қазо қилмоқ, ҳаёт билан видолашмоқ, Ҳақ раҳматига восил бўлмоқ[1] ларгина ДМларга хосланган. Масалан: -Нима гап, нима бўлди?! Севинчдан ҳушини йўқотдими? -Йўқ… Ҳақнинг раҳматига қовушди! (Ошуфта кўнгил. «Ислом нури», 2019 йил 15 май).

Шу билан бирга, ўзбек нутқи жараёнида фаоллашиши уларнинг маъно тараққиётига ҳам таъсир кўрсатган ва бунда ижод соҳибларининг бадиий тафаккури ижобий таъсир кўрсатган. Жумладан:

-ўзбек тили лексик-грамматик имкониятлари негизида янги сўзлар ясалган: тақдирламоқ (Зулфия, П.Қодиров), тақдирланмоқ (М.Али, А.Суюн), тақдирдош (Зулфия, У.Азим);

-фразеологизмлар ясалган: тақдирини ҳал қилмоқ, хизматини тақдир қилмоқ, тақдирнинг қўлида ўйинчоқ бўлмоқ (А.Қаҳҳор, У.Азим), тақдирига тан бермоқ (А.Қаҳҳор, Зулфия, М.Али, П.Қодиров, У.Азим, «Алпомиш»), тақдирга кирмоқ, тақдирга тик боқмоқ, тақдирдан қулмоқ, тақдирни ҳал қилмоқ, тақдирни ёрмоқ (Зулфия); тақдири оғир бўлмоқ (О.Ёқубов), тақдир раво кўрмоқ (П.Қодиров), тақдирга бош егмоқ, тақдирга кўниб яшамоқ (У.Азим); тақдирда борини кўрмоқ, тақдирига рози бўлмоқ, тақдирида ёзилганни кўрмоқ («Алпомиш»); тақдирига қойил бўлмоқ каби («Холдорхон»);

Шунингдек, халқ тилида юзага келган диний мазмундаги иборалар ҳам мавжуд. Масалан; Маккага имом бўлгур. Хизр билан дўст бўлгур. Ушбу фразеологик бирликлар ўзбек оналарининг фарзандларига қарата айтадиган ижобий қарғиши (олқиши) ҳисобланади. Айни вақтда мазкур бирликлар бадий адабиёт намуналарида ҳам фаоллашган.

«Ҳой, ипимни қирқмагин,
Қалбингга илм тўлгур.
Ҳой, мешимни тешмагин,
Каъбага имом бўлгур!

Сичқон думин кесмагин,
Беозор бўл, тўғри юр.
Ғариб йўлин тўсмаган,
Каъбага имом бўлгур».

Демас екан: «Жувонмарг»,
«Ҳароми», «Мараз», «Ўлгур».
Битта екан қарғши:
«Каъбага имом бўлгур!»

Енг гўзал қарғиш. М.Каримова
Болангиз... Юртга керакли Халол....Фарзанд Булсин Болангиз.... Болангизни суксангиз Подшо Булгур Деб сукинг....Олим Булгур Хизрга..Ошно Булгур Деб сукинг...Тилдан Чикан Хар Бир Суз... Зиё марифат булсин....Хатто Сукишингиз Хам... Яхши Бир Дуо Булсин
(Хикматлар Бисотидан)

Маълумки, ислом дини инсонларни гўзал аҳлоққа ундовчи, уларни меҳр оқибат ва эзгуликка чорловчи диндир. Шу боис диний матнларда қўлланилувчи танбеҳ мазмунидаги иборалар ҳам майин ва вазмин, шахс психологиясига салбий таъсир қилмайдиган кўринишда бўлади. Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бадҳулқ ҳам, сўконғич ҳам эрмас эрдиллр. Бировга танбеҳ берсалар: «Пешонанг туфроққа теккур!» — дердилар, холос». *(*Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ. 4-жилд, 1992 йил. Б-67).

Жамоа билан ўқилган намозни уйда ёлғиз ўқилган намоздан 28 дарожот савоби улуғ экан. Уйда ёлғиз намоз ўқиган кишини хонасалот деб аташар экан. Қадимда эрлар уйда ёлғиз намоз ўқишни ор билишаркан ва бировга “хонасалот бўлгур” иборасини ишлатишни ўзларига ҳақорат деб қабул қилар эканлар. Агар тиклаб келадиган бўлсанг, келиб кўр! Усиз ҳам тирикчилиги хонасалот бўлган оч-яланғочларим бор. Ҳар қалай, ўлган эканман-ку!.. (М. Авезов “Абай” 316 бет 1957 йил, ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашри).

Гўрўғли султон: “Ҳа, хонасалот баччағар, сени кўрар эканман-ку, - дед шадравонлар билан турибди”. (Go’ro’g’li xalq dostoni, Toshkent 2006- yil. Sharq nashriyoti. 343-bet).

Шунингдек, нутқимизда диний мазмундаги Шайтонни этагидан тутмоқ. У дунёнгни деб бу дунёнгдан кечма. Жин урсин, Худо олсин, Фаришталар омийн десин*, Аллоҳ рози бўлсин, қалби қо-*

[1] Omonturdiev A. O’zbek tilining qisqacha evfemik lug’ati. – Toshkent: Fan, 2006. – B.98-123.

раймоқ каби иборалар ҳам кенг қўлланилади. Масалан, Аллоҳ розилигига эришмоқ. *…мусулмон киши бу дунёда умргузаронлик қиларкан, аввало Аллоҳ розилигига эришиш ҳаракатида бўлиши лозим* («Ислом нури», 15.11.2018).

Аллоҳнинг розилигини топмоқ. Алалоқибат, *Аллоҳнинг розилигини топишга монелик қилади* («Ислом нури», 15.11.2018).

Қалбни қорайтирмоқ. Ёлғончилик … қалбни қорайтириб, *хайрлардан тўсади* («Ислом нури», 15.11.2018).

Таъкидлаш керакки, халқимиз нутқида ислом динига хос бўлган исломий сўз ва иборалар жуда фаол. Аммо уларни нутқимизда қўллаганимиз билан ҳаммасини ҳам маъносини билмаймиз. Қуйида уларнинг айримларининг изоҳини келтирамиз: *Алҳамдулиллаҳ – "Аллоҳга ҳамд бўлсин", Алҳамдулиллаҳи Роббил ъАламийн – "Оламлар Тарбиячисига ҳамдлар бўлсин", Жазак Аллаҳу ҳайрон – "Аллоҳ сизни тақдирласиз/мукофотласин", Наъузубиллаҳ –" Аллоҳдан (шайтон ёмонлигидан сақлашида) паноҳ сўраймиз/тилаймиз", Субҳаналлоҳ – "Аллоҳга ҳамд бўлсин", Инна лиллаҳи ва инна илаҳи Рожиъун – "Биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта, У зотга қайтгувчимиз"* каби.

Диний фразеологик бирликлар (бундан буён матнда – ДФБ қисқартмаси қўлланилади) – Қуръон оятлари ва ҳадислари каби диний манбалардан олинган барқарор иборалардир. Тилшуносликда бу бирликларнинг лингвистик тадқиқотига доир кўплаб ишлар юзага келган. Масалан, IX аср татар халқи тарихининг ислом дунёси билан чамбарчас боғлиқлиги, Қуръон таълимотларининг таъсири, диний-сўфийлик адабиётининг кенг тарқалиши диний лексиканинг бойишида асосий омиллари ҳисобланган. Ҳозиргача араб тили лексик бирликларининг татар тилига кириб бориши турли кўринишларда ўрганилган. Бу фразалар М.И.Маҳмутов[1] асарларида батафсил тасвирланган. Е.Н.Денмуҳаметова[2] араб-форс фразаларини татар тилининг паремиологик фондида ўрганган. Р.С.Нурмуҳаметова[3] араб-форс фразаларини XX асрнинг биринчи ярмидаги татар адабий тили луғатини бойитиш манбаи сифатида ўрганган. Т.А. Шайхуллин[4] рус ва араб паремияларини қиёсий жиҳатдан ўрганган.

Сўнги вақтларда арабча луғатлар[5] ва бошқалар ҳам илмий тадқиқот объектига айланиб бормоқда. Диний луғат араб-форс татар тилидан олинган фразарларнинг муҳим қисмини ташкил қилади ва мавзулар, семантика ва фаолият нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотади. Шуни таъкидлаш керакки, Қуръон фразеологиясини тавсифлашга бағишланган фундаментал асарлар[6] мавжуд. Юқоридаги асарлар асосида биринчи марта татар тили материали бўйича этник-маданий хусусиятларни аниқлаш ва тилдаги аҳамиятини аниқлаш мақсадида диний мазмунли фразеологик бирликларнинг семантик таҳлили қилинган.

Диний мазмундаги татар тилидаги ФБ жуда кўп сўз бойлигини эгаллайди ва уларнинг асосий манбаи Қуръон десак муболаға бўлмайди. Улар кундалик ва адабий нутққа шу қадар сингиб кетганки, кўп идиомалар таниш бўлмаган одамлар учун тушунарсиз бўлиши мумкин.

Аммо ўзбек тилшунослигида бу борадаги тадқиқот ишлари анчайин орқада. Ўзбек тилшунослигида диний матнлар лексикаси ва диний матнлар услубига доир кам сонли ишларни учратиш мумкин. Айтиш мумкинки, айнан Қуръон фразеологияси, диний мазмундаги иборалар бўйича аниқ тадқиқот ишларига қўл урилмаган. Ваҳолангки, ислом динига эътиқод қилувчи халқимиз нутқида бундай иборалар кўплаб топилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос маъновий ва маънавий мазмун ифода қилади. Қолаверса, диний мазмундаги турғун бирикмалар орқали эътиқодий қарашларимизнинг тилимиз орқали турмуш тарзимиз ва маданиятимизга таъсирини сезишимиз мумкин.

Одамларнинг онгига энг яқин бўлган ДФБлар, баъзида кундалик ҳаётга киради, шунинг учун муқаддас маъносини йўқотади ва оддий, маънавий маъносиз объектларни тасвирлаш учун ишлатила бошлайди. Биз буни юқорида ҳам таъкидлаб, мисоллар орқали айтиб ўтгандик. Масалан, машҳар куну*, яъни дунёнинг охири, дунёнинг*

[1] Maxmutov M. I., Xamzin K. Z., Sayfullin G. Sh. Arabsko-tatarsko-russkiy slovar zaimstvovaniy / pod red. M. I. Maxmutova. Kazan: Tatar. kn. izd-vo, 1965. 854 s.

[2] Denmuxametova E. N. Arabskie i persidskie zaimstvovaniya v sinonimii tyurkskix yazikov // Nauchniy Tatarstan. 2015. № 2. S. 135-139.

[3] Nurmuxametova R. S. Osnovnie tendentsii razvitiya leksiki tatarskogo literaturnogo yazika pervoy polovini XX veka: avtoref. diss. … k. filol. n. Kazan, 2005. 26 s.

[4] Shayxullin T. A. Russkie i arabskie paremii s komponentom-naimenovaniem rodstvennix otnosheniy: kontseptualnosemanticheskiy i etnokulturniy aspekti: avtoref. diss. … k. filol. n. Kazan, 2012. 48 s.

[5] Kadirova E. X. Zoonimi v «Arabsko-tatarskom slovare» // Filologicheskie nauki. Voprosi teorii i praktiki. 2014. № 11 (41): v 2-x ch. Ch. 1. S. 94-97.

[6] Ushakov V. D. Frazeologiya Korana: opit sopostavleniya frazeorecheniy Korana i arabskogo klassicheskogo yazika. M.: Vostochnaya literatura, 1996. 203 s.

якуни, нотинчлик ва бетартиблик пайтида оломонни кузатиб борадиган одамни тавсифлайди.

МАҲШАР رشحم арабча ҳашар, ҳашр, ҳашротий, ҳашарот, шаҳар сўзлари билан ўзакдош, яъни ҳшр (رشح) ўзаги орқали ясалган бўлиб, жуда, ғуж, гуруҳ; тўпланиш, йиғин, йиғилиш; аниқроғи , қиёматда ўлганларнинг тирилиб, Аросатда бир-бирлари билан учрашиб, тўпланадиган, Аллоҳга роз айтадиган, илтижо, мурожаат қиладиган куни, яъни рўзи маҳшар, маҳшар куни.

Агар маҳшарда оҳ урсам Беҳишт жовидан ўртар (Машраб).

«Маҳшар куни дийдорингни излайман»
(Иброҳим Адҳам).

Кўрмасак ҳам рўзи маҳшарга қадар,
Биз учун тириксиз, ей азиз Падар.
(Ж.Омонтурдиев)

Бундай иборалар аллақачон ўзбек тилига шу даражада ассимиляция қилинганки, баъзида улар Қуръон мотивлари билан ҳеч қандай тасаввур ва уюшмаларни келтириб чиқармайди.

Диний фразеологик бирликларни лингвистик таҳлилга тортишда қуйидаги мазмуний гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

Ижобий семантикани ифодаловчи ДФБ: Худо ёрлақасин, Аллоҳ қўлласин,*(*Яхшилик тиловчи, ҳар ишда Аллоҳ мадаткор бўлсин*),* Аллоҳ сийлаган (Аллоҳ яхши кўрган, меҳрибон бўлган*),* Фаришталар омийн десин (Ниятларнинг ижобат бўлишини исташ*).*

Салбий семантикани ифодаловчи ДФБ: Масалан, Худо кўтарсин (Худо жонони олсин, бу дунёнини тарк етиши маъносида), Худо урсин (Худо қаҳрига дучор қилмоқ), шайтонни йўлидан юрмоқ (ёмон ишларга қўл урмоқ), Жин урсин (иши ўхшамаган кишининг афсусланиши) каби маъноларда қўлланилади.

Дунёқараш, дунёни идрок этиш ва ижтимоий қарашларнинг ўзгариши туфайли кўплаб фразеологик бирликлар эскирган иборалар тоифасига киради ёки Қуръон мотивлари билан алоқани йўқотиши натижасида кейинчалик нутқда ишлатилмайди. Бунга қуйидагилар киради: Лавҳул маҳвузга ёзилган (ЛАВҲ УЛ-МАҲФУЗ ظوفحملا حولا [а] – бирикмаси таркибидаги лавҳ, лавҳа – тахта, ёзув тахтачаси; маҳфуз – муҳофаза қилинган, сақланган, беркитилган, хотирага, ҳисобга олинган, ёдланган каби реал маънолар англаца-да, диний истилоҳ сифатида «тақдирнома», «азалнома» (азалий битик), яъни инсон руҳи яратилган кун (Ал-мисоқ) даноқ унинг тақдири, номаи аъмоли қудрат қалами-ла ёзиб қўйилган уммул-китоб (она китоб)дир;

ЗАҚҚУМ موقز [а] – 1) меваси жуда аччиқ бир дарахт;

2) заҳар, оғу;

3) истилоҳ маъносида жаҳаннамнинг ўртасида ўсувчи дарахт - Жаҳим, яъни Жаҳаннам заққуми «Инна шажаратун тахружу фи аслил жаҳим», Агар дунё денгизларига Заққумнинг бир томчиси тушса, дунё аҳлининг бутун ҳаётини бузади. («Васоффот», 64, 68- оят)[1].

Тўғри номлар (топонимлар ва антропонимлар, масалан, муқаддас жойлар номлари, пайғамбарларнинг исмлари ва бошқалар) диний фразеологик бирликларнинг пайдо бўлишининг энг бой манбаларидан биридир. Бу номларнинг турли халқлар орасида ишлатилишининг ўзига хос хусусиятлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Татар тилининг иборасида бошқа халқларнинг динлари ва маданиятлари асосида шаклланган ДФБ бор.

Кўп ҳолларда, Муқаддас Ёзувда учрайдиган сўзларнинг фақат тўғри номлари ва архаик шаклларини ФБ нинг диний келиб чиқиши ҳақида гувоҳлик беради. Масалан, замҳаридай совуқ (қаттиқ совуқ; Замҳарир - дўзахнинг етти доирасидан бири, совуқ дўзах, гуноҳкорларни жазолаш учун кучли қичқириқ совуқ); Макка-Мадина кўрган (Макка ва Мадинага ташриф буюрган, ҳаж қилган ёки бу муқаддас шаҳарларда ўқиган киши ҳақида); Муром (тасбеҳнинг енг узун бўғини); Мухамммдга умммат булайин! (диний қасамёд: агар менинг сўзларим тўғри бўлмаса, мен Муҳаммад динига ишонмаслигим керак) деган маънони англатади.

Диний фразеологик бирликларни таҳлил қилиш жараёнида Аллаҳ сўзларининг тез-тез ишлатилишини пайқаш мумкин. Семантикага кўра, уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Ҳиссиётларни ифодалаш учун қўлланиладиган ДФБ: Я Рабби Ҳудоим; Я Аллаҳ (сўзма - сўз: эй Худойим; пушаймонлик, пушаймонлик билдирганда);

Одамнинг салбий ёки ижобий томонлари тасвирланганида қўлланиладиган ДФБ: *Аллаҳнинг маҳлуқи* (сўзма -сўз: Худо яратган; жуда камтарин, мулойим одам ҳақида); *Аллаҳнинг бандаси, Ҳудонинг бандаси* (сўзма-сўз: Худонинг одами; ишонувчан, хушмуомала, самимий, камтарин одам ҳақида); *Аллаҳдан қўрқмаган*, бандадан уялармиди (сўзма-сўз: У Худодан қўрқмайди, одамлардан уялмайди; ёмонлик қилар экан, ҳеч кимдан уялмаган одам ҳақида); *Аллаҳ лаънатлаган* (сўзма -сўз: Худо томонидан лаънатланган; доимий муаммоларга дуч келадиган одам ҳақида);

[1] Omonturliev J., Omonturdiev A. Ma’rifiy-irfoniy istilohlar izohli lug’ati. – Toshkent: Mumtoz so’z, 2014. – B. 67.

Аллаҳнинг дўсти, меҳмони (сўзма-сўз: Худонинг меҳмони; кутилмаган нарсалар ҳақида меҳмон); *Аллаҳнинг йўлидан қочган* (сўзма-сўз: Худодан қочган пиёда; бу ибора Худодан қочган иблис ҳақида пайдо бўлган, тўғри йўлга киришни истамайдиган, ношукур одам ҳақида).

Лаънат элементлари билан ясалган ёмонлик тилакларни ифодаловчи ФБ: Худони лаънатига учрагур, Минг лаънат бўлсин сенга каби.

Ҳар хил табиатдаги яхши тилакларни ифодаловчи ДФБ: *Аллаҳдан қайтсин, Худодан қайтсин* (Худодан қайтсин; миннатдорчилик билдириш учун ишлатилган); *Аллаҳ куч-қувват берсин, Худо куч-қувват берсин* (Худо куч берсин; ҳар қандай фаолият билан шуғулланадиган ишлайдиган одамга айтилади); *Аллаҳ кўрсатмасин, Худо кўрсатмасин* (Худо кўрсатмасин; бу муаммолардан қочиш истаги билан айтилган); мен кўрганларимни Ҳудо душманимга ҳам кўрсатмасин (мен кўрган нарсани, Худо душманимга кўрсатмасин; муаммолардан қочиш истаги билан айтилган); Раббимни ўзи асрасин, Худо сақласин, Аллаҳга омонат, *Аллаҳни паноҳида бўлинг* каби.

Худонинг бирлиги ва қудратини ифода қилувчи ДФБ: *Аллаҳ билади, Аллаҳ билгувчи, Аллаҳга аён* (фақат Худо билади); *Аллаҳга қайтиш* (Худога қайтиш; яна имонли бўлиш); *Аллаҳга топширдик, Худога* омонат қилиб топширдик каби.

Худога ишончни ифодаловчи ДФБ: Аллаҳга шукур (сўзма-сўз: Худога шукур; «Қандайсиз?» Деган саволга жавобан); Худонинг берганига шукур (сўзма-сўз: Худога шон-шараф; айтилганидек, мамнунлигини билдириш); Худононг ҳикмати (Худонинг мўъжизаси; ғайриоддий, ноёб воқеа ҳақида).

Воқеалар **э**ҳтимоли, уларнинг Худога ва тақдир китобига боғлиқлиги ифодаловчи ДФБ: *Аллаҳ боерса, Аллаҳ насиб* этса (сўзма -сўз: агар Худо берса, тақдир бўлса); *Аллаҳ ваъда қилган вақт* (сўзма -сўз: агар Худо ваъда қилган пайт келса; ибора инсон ҳаётидаги енг муҳим воқеалар содир бўлади деган ишончдан келиб чиқади, тақдирлар китобида аллақачон тасвирланган).

Бундан ташқари, диний фразеологияда диндаги ҳаёт, ўлим, руҳ, абадийлик каби асосий мавҳум тушунчалардан ташкил топган фразеологик бирликларнинг муҳим гуруҳи. Масалан, ўлим ҳақида: мангуликка кетди, абадий уйқуга кетди, жони узилди, руҳи кўчди, руҳи осмонга учиб кетди, охирги сафарга кетди каби.

Диний фразеологик бирликларнинг кўпида жаҳаннам (дўзах) *«жуда узоқ жой»* маъносида ишлатилади: Жаҳаннам қарида, дўзахнинг етти қатлами остида, дўзахнинг чеккасида, жаҳаннам туйнуги ва бошқалар.

Қуйидаги диний мазмундаги турғун иборалар одамни салбий томондан тавсифлайди: дўзахнинг етти қатламидан ўтган бўлса ҳам қизармайди –уятсиз одам ҳақида, дўзах устуни – бўш турган баланд бўйли одам ҳақида, Аллоҳни кўзи кўрмайдиган – Худони йўриғига юрмаслик, Шайтонни ишини қиладиган – ёмон ишлар қиладиган, Худодан қайтган – Аллоҳнинг буюрганларига риоя қилмаслик ва ҳк.

Шунингдек, ДФБларнинг ижобий маънода қўлланадиганлари ҳам мавжуд: жаннат қуши - чақалоқларга нисбатан ишлатилади, Аллоҳнинг бизга ҳадялари – Худонинг берган неъматлари ва ҳк.

Шу ўринда бир мулоҳаза, ўзбек тилшунослигида айни вақтгача диний бирликларни ифода қилувчи луғатлар етарли эмас. Диний тушунчаларидан бохабар бўлиш, уни оммага тўғри маънода етказиш учун ҳам бу турдаги луғатлар зарурдир. Хозирда бу йўналишда фақатгина М.Умархўжаевнинг “Диний атамалар ва иборалар” қисқача оммабоп изоҳли луғати ҳамда Ж.Омонтурлиев ва А.Омонтурдиевларнинг “Маърифий-ирфоний истилоҳлар изоҳли луғати”лари мавжуд бўлиб, уларда ҳам фақатгина диний сўзлар ва сўз бирикмалари мавжуд. Уларда диний мазмундаги барқарор бирикмаларни учратмаймиз. Шу боис ўзбек тилшунослигида ДФБ акс этган луғатлар айни вақтда зарурдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тилнинг фразеологик бирликлар таркиби миллий ҳодиса, фразеологик бирликларнинг пайдо бўлиш манбаи ҳисобланади бу халқнинг нутқи - она тили. У одамларнинг маданияти, урф-одатлари ва қадриятларини акс эттиради; фразеологик бирликлар этник гуруҳнинг менталитетини сақлаб қолади, маданиятини авлоддан - авлодга узатади. Шубҳасиз тилнинг фразеологик таркиби жуда қимматли лингвистик мерос ҳисобланади.

Оламнинг лисоний манзарасини ифодалашда фраземалар ноёб тил унсурлари ҳисобланади. Уларнинг фразеологик маъно структурасида нафақат лингвистик информация, балки, экстралингвистик маълумотлар ҳам мавжуддир. Ҳар бир халқ янгидан-янги тушунчаларни номлаш, ифодалаш, турли ижтимоий ҳолатларни воқелантириши мақсадида чуқур ифодали маънога ега бўлган фразеологик бирликлар яратади.

Шундай экан, диний семантикага ега фразеологик бирликларни пухта ўрганиш ҳар бир халқнинг миллий характерининг ўзига хос хусусиятлари, одамларнинг атрофдаги воқелик, бойлик ҳақидаги тасаввурларини яратишга ёрдам беради.

Резюме. Диний услуб фразеологияси — диний матнлар ва нутқда қўлланиладиган барқарор бирикмалар, иборалар ва образли ифодалар тизимидир. Уларда муқаддас тушунчалар, маънавий қадриятлар, анъанавий тасаввурлар акс этади. Бундай фразеологизмлар кўпинча услубан қадимий, рамзий маъноларга эга ва маданий меросни сақлашда муҳим ўрин тутади. Диний услубдаги иборалар руҳий тарбия, маросимий қоидалар ва ахлоқий ғояларни етказишга хизмат қилади.

Резюме. Фразеология религиозного стиля изучает устойчивые выражения, идиомы и символические словосочетания, используемые в религиозных текстах и общении. Эти выражения отражают священные понятия, духовные ценности и традиционные представления. Для религиозной фразеологии характерны архаичная лексика, образность и культурная значимость. Она играет важную роль в передаче духовных норм, обрядовых традиций и сохранении культурного наследия.

Summary. Religious style phraseology focuses on set expressions, idioms, and stable word combinations used in religious texts and discourse. Such phraseology reflects sacred concepts, moral values, and traditional beliefs. It often retains archaic vocabulary, symbolic meanings, and culturally important metaphors. Religious phraseological units play a key role in shaping spiritual communication, conveying ritual norms, and preserving historical and cultural heritage.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Muxtorxon Eshon Umarxo'ja. Diniy atamalar va iboralar. Qisqacha ommabop izohli lug'at. – T.: G'afur G'ulom nashriyoti, 2016. – B.146.
2. Bozorboev K. O'zbek so'zlashuv nutqi frazeologizmlari: Filol. fan. nomz. ..dis. avtoref. – Samarqand. 2000. – B.7.
3. Omonturdiev A. O'zbek tilining qisqacha evfemik lug'ati. – Toshkent: Fan, 2006. – B.98-123.
4. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ. 4-жилд, 1992 йил. Б-67.
5. Maxmutov M. I., Xamzin K. Z., Sayfullin G. Sh. Arabsko-tatarsko-russkiy slovar zaimstvovaniy / pod red. M. I. Maxmutova. Kazan: Tatar. kn. izd-vo, 1965. 854 s.
6. Denmuxametova E. N. Arabskie i persidskie zaimstvovaniya v sinonimii tyurkskix yazikov // Nauchniy Tatarstan. 2015. № 2. S. 135-139.
7. Nurmuxametova R. S. Osnovnie tendentsii razvitiya leksiki tatarskogo literaturnogo yazika pervoy polovini XX veka: avtoref. diss. … k. filol. n. Kazan, 2005. 26 s.
8. Shayxullin T. A. Russkie i arabskie paremii s komponentom-naimenovaniem rodstvennix otnosheniy: kontseptualnosemanticheskiy i etnokulturniy aspekti: avtoref. diss. … k. filol. n. Kazan, 2012. 48 s.
9. Kadirova E. X. Zoonimi v «Arabsko-tatarskom slovare» // Filologicheskie nauki. Voprosi teorii i praktiki. 2014. № 11 (41): v 2-x ch. Ch. 1. S. 94-97.
10. Sattarova M. R. Religioznaya kultura v zerkale yazika // Filologiya i kultura. 2014. № 4 (38). S. 200-204. 9. Sattarova M. R. Sakralnaya leksika sovremennogo tatarskogo yazika (na materiale tolkovogo slovarya) [Elektronniy resurs] // Sovremennie problemi nauki i obrazovaniya. 2014. № 6. URL: http://www.science-education.ru/120-15301 (data obrashcheniya: 25.05.2017).
11. Ushakov V. D. Frazeologiya Korana: opit sopostavleniya frazeorecheniy Korana i arabskogo klassicheskogo yazika. M.: Vostochnaya literatura, 1996. 203 s.
12. Omonturliev J., Omonturdiev A. Ma'rifiy-irfoniy istilohlar izohli lug'ati. – Toshkent: Mumtoz so'z, 2014. – B. 67.